ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**16 январь 2018 й.г. № 29** Тошкент ш. – г. Ташкент

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ва эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларига ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлиқ-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналари таркибига кирувчи ҳудудлар чегарасини 4-иловага мувофиқ белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р. Холмурадов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**

Умумий бўлим № 3

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 16 январдаги
29-сон қарорига
1-илова

**Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида
Низом**

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши, фаолият юритиши ва мақоми тугатилиши тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**эркин иқтисодий зона** (кейинги ўринларда ЭИЗ деб аталади) - минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуд;

**эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши** (кейинги ўринларда Республика кенгаши деб аталади) – Ўзбекистон Республикаси Президента қарори билан ташкил этиладиган давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар вакилларидан иборат коллегиал орган;

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгашлари** (кейинги ўринларда маъмурий кенгашлар деб аталади) - Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Узбекистон Республикаси Ҳукумати қарори билан ташкил этиладиган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар вакилларидан иборат коллегиал орган;

**Эркин иқтисодий зона дирекцияси** (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) - ЭИЗ фаолиятини тезкор бошқариш учун ташкил этиладиган давлат унитар корхонаси шаклидаги юридик шахс;

**ЭИЗ инвестори** – белгиланган тартибда танловдан ўтган ҳамда ЭИЗ ҳудудида инвестициялашни амалга оширадиган инвестиция фаолияти субъекти;

**ЭИЗ ҳудудида инвестициялар** – маъмурий кенгаш томонидан белгиланган тадбиркорлик фаолияти объектларига ЭИЗ қатнашчиси томонидан киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар;

**ЭИЗ ҳудудида инвестициялаш тўғрисидаги битим** (кейинги ўринларда инвестициялаш тўғрисидаги битим деб аталади) - Дирекция билан инвестор (инвесторлар) ўртасида тузиладиган, томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайдиган битим;

**ЭИЗ хўжалик фаолияти қатнашчиси** (кейинги ўринларда ЭИЗ қатнашчиси деб аталади) - белгиланган тартибда ЭИЗ ҳудудида рўйхатдан ўтказилган ва Дирекция томонидан ЭИЗ қатнашчилари реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъект.

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.



3. ЭИЗ ҳудудида давлат органларининг фаолияти ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш бўйича “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, Президент қарорларида ва уларни ижро этиш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, инвестициялаш тўғрисидаги халқаро шартномалар ва битимларда, шунингдек, ушбу Низомда назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

4. ЭИЗ ҳудудида шаҳарсозлик фаолияти ЭИЗнинг бош режасига мувофиқ амалга оширилади.

5. ЭИЗ ҳудудидаги ер участкалари тўғридан-тўғри тегишли вилоятлар маъмурий кенгашлари тасарруфида бўлади ва ЭИЗ қатнашчиларига белгиланган тартибда берилади.

Дирекциялар маъмурий кенгашлар қарорлари ва ишлаб чиқилган ЭИЗ бош режаси асосида маъқулланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришни, биринчи навбатда, фаолият юритмаётган, бўш турган бино, иншоотлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар негизида ва муҳандислик инфратузилмаси мавжуд ҳудудларда амалга оширади.

6. Эркин иқтисодий зоналарнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан белгиланади.

7. ЭИЗ қатнашчиларининг бошқа соҳалардаги фаолиятини тартибга солиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

## 2-боб. ЭИЗнинг бошқарув тузилмаси ва бюджети

8. ЭИЗ фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва мувофиқлаштириш функциялари маъмурий кенгашлар томонидан амалга оширилади.

Қуйидагилар маъмурий кенгашларнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

ЭИЗ ҳудудида алоҳида ҳуқуқий ва иқтисодий режимга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

ЭИЗнинг самарали фаолият юритишини ташкиллаштириш, дирекцияларни шакллантириш ҳамда улар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

инвестиция лойиҳаларини танлаш ва уларни амалга ошириш учун ЭИЗ ҳудудида жойлаштириш бўйича қарор қабул қилиш;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ЭИЗ иштирокчиларига ер майдонлари тақдим этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

давлат мулки бўлган ишламаётган корхоналар ва бўш ётган мол-мулкларни ЭИЗ иштирокчиларига инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда "нол" харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ЭИЗни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, ЭИЗни ривожлантиришнинг бош режаларини, шунингдек, ЭИЗда муҳандислик-коммуникация ҳамда транспорт инфратузилмасини қуриш бўйича лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш;

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.



инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши, шунингдек,ри инвестициялаш тўғрисида битимга киритилган мажбуриятларнинг, шу жумладан, ЭИЗ иштирокчилари корхоналарининг бизнес-режалари параметрлари бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш;

ЭИЗ иштирокчилари – тадбиркорлик субъектларига инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ва корхоналарнинг фаолият юритишида юзага келадиган масалалар комплексини ҳал этишда ёрдам кўрсатиш;

ЭИЗ ҳудудининг чегараларини аниқлаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ЭИЗ фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, улар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тақдим этиш.

Маъмурий кенгашлар қонунчиликка мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Маъмурий кенгашлар ваколати доирасида қарорларни мустақил қабул қилади.

9. Маъмурий кенгашларнинг фаолияти Республика кенгаши томонидан мувофиқлаштирилади.

Қуйидагилар Республика кенгашининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда ЭИЗни ривожлантириш стратегиясини белгилаш;

ЭИЗ маъмурий кенгашлари ҳамда дирекциялари фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш;

ЭИЗнинг фаолият юритиши ва уларни ривожлантириш, ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий-техник масалаларни ҳал этишда вазирликлар, идоралар, тижорат банклари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалий ёрдам кўрсатилиши борасидаги фаолиятини аниқ-пухта мувофиқлаштиришни, улар томонидан бюрократизм ва сансалорлик фактларига йўл қўймаслик бўйича тезкор чоралар кўриш, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан қатъий жавобгарлик чоралари кўриш юзасидан таклифлар киритиш;

ЭИЗ фаолиятининг барча ташкилий масалалари, хорижий инвесторлардан тушаётган истиқболли таклифлар, шунингдек, ЭИЗ ҳудудида амалга ошириш тавсия этилаётган, Республика кенгашига тақдим этилган аниқ лойиҳа таклифларини тезкорлик билан кўриб чиқиш ҳамда улар бўйича келишилган қарорлар қабул қилиш;

ЭИЗ ҳудудида лойиҳаларни амалга оширувчи инвесторлар учун, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг иштирокчилари - хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолият юритиши, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотни экспортга етказиб беришни кўпайтириш учун яна ҳам кўпроқ қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, лойиҳа ишланмаси ва лойиҳаларни амалга ошириш, объектларни ишга тушириш ва пировард мақсадларга эришишнинг бутун цикли давомида уни сифатли ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш;

белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишига тўсқинлик қилувчи сабабларни аниқлаган ҳолда, ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини, шунингдек, юзага келаётган масалалар ва муаммоларни ҳал этишда

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.



уларга амалий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини кўрган ҳолда ЭИЗ иштирокчилари - хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятининг самарадорлигини доимий мониторинг қилиб бориш;

ЭИЗ дирекцияси фаолияти устидан амалий назорат ўрнатиш, маъқулланган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисида дирекция раҳбарларининг мунтазам ҳисоботларини эшитиб бориш, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ҳамда ЭИЗ дирекцияларининг ўзларига юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини таъминламаган раҳбарларига нисбатан жавобгарлик чоралари кўриш тўғрисида таклифлар киритиш;

маъмурий кенгашлар ёки ваколатли органларнинг асосли таклифлари бўйича ЭИЗ иштирокчиси мақомини тўхтатиш ёки ундан маҳрум қилиш;

янги ЭИЗ барпо этиш ҳамда ишлаб турганларининг чегараларини ўзгартириш масалаларини келишиб олиш;

ЭИЗ ҳудудида қиймати 5,0 миллион АҚШ доллари эквивалентидан юқори бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан маъмурий кенгашларнинг қарорларини келишиб олиш.

Республика кенгаши қонунчиликка мувофиқ бошқа вазифаларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. ЭИЗ фаолиятини тезкор бошқариш Дирекция томонидан амалга оширилади.

Дирекция:

Маъмурий кенгашнинг қабул қилинган қарорларига мувофиқ ЭИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказади, шунингдек уларнинг реестрини олиб боради;

Маъмурий кенгаш қарорларига мувофиқ инвесторлар билан ЭИЗ ҳудудида инвестициялаш тўғрисида битимлар, давлат мулкини “нол”га тенг харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида ЭИЗ қатнашчилари билан шартномалар тузади;

ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларни қидиради ва жалб этади;

ишлаб чиқилган ЭИЗ бош режаси ва Маъмурий кенгаш қарори билан маъқулланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштиради;

“ягона дарча” тамойили асосида муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларига уланиш учун зарур бўлган барча рухсатномаларни беришни ташкил этади;

белгиланган тартибда танлаб олинган инвесторлар томонидан ўз зиммаларига қабул қилинган мажбуриятларнинг зарур тарзда бажарилишини тизимли назорат қилади, кейинчалик натижаларни Маъмурий кенгашга тақдим этади;

ЭИЗ ҳудудида жойлашган давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектларини ўзига берилган ваколатлар доирасида бошқаради;

ЭИЗ ҳудудидаги лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш ва корхоналарнинг тўхтовсиз фаолият юритишини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда ЭИЗ қатнашчиларига кўмаклашади;

ЭИЗни ривожлантириш дастурининг амалга оширилишини таъминлайди;

экологик ҳолатнинг яхшиланиши устидан назоратни таъминлайди, шунингдек, ЭИЗ ҳудудида жойлашган тарихий-маданий бойликларнинг бут сақланиши учун жавоб беради;

ЭИЗ фаолиятини бошқариш бўйича бошқа функцияларни амалга оширади.

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.



11. Дирекция Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ҳар йили тегишли молиявий йил учун ЭИЗнинг мустақил бюджети лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Маъмурий кенгашга тақдим этади.

ЭИЗнинг мустақил бюджети қуйида келтирилганлар ҳисобидан шакллантирилади:

давлат мулки бўлган ва ЭИЗ ҳудудида жойлашган бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан тушумлар;

хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

Республика кенгаши томонидан белгиланган миқдорда ЭИЗ қатнашчиларининг ажратмалари ва ЭИЗ қатнашчилари сифатида рўйхатдан ўтиш учун тўловлари;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли йилга Инвестиция дастурида назарда тутилган мақсадли бюджет маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

12. ЭИЗ бюджети маблағларидан:

маблағлари ЭИЗ инфратузилмасини ривожлантиришга ва унинг фаолият кўрсатиши самарадорлигини оширишга йўналтириладиган ЭИЗни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш;

белгиланган тартибда Дирекция таъминоти;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ЭИЗ ташкил этиш тўғрисидаги тегишли қарорини бажаришга йўналтирилган бошқа вазифалар амалга оширилишини молиялаштириш учун фойдаланилади.

ЭИЗни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланади.

13. Дирекциянинг штат жадвали ва харажатлари сметаси Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланади.

## 3-боб. ЭИЗ ҳудудида хўжалик фаолиятини амалга ошириш

14. ЭИЗ ҳудудида жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ва ЭИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган алоҳида низом билан тартибга солинади.

15. ЭИЗ қатнашчисига бериладиган гувоҳнома унинг ЭИЗ ҳудудидаги фаолиятига нисбатан унинг алоҳида солиқ режими ва божхона имтиёзларини қўллаш ҳуқуқларининг тасдиғи ҳисобланади.

16. ЭИЗ қатнашчисига, у белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан кейин ЭИЗ ҳудудидаги фаолиятга тегишли қисми юзасидан инвестициялаш тўғрисидаги тегишли битимда мустаҳкамланган мажбуриятлар юкланади.

ЭИЗ қатнашчиси инвестициялаш тўғрисидаги битим бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга беришга ҳақли эмас.

17. ЭИЗ қатнашчиси бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар ЭИЗ ҳудудида фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш ҳуқуқига эга.

18. ЭИЗ қатнашчилари томонидан Ўзбекистон Республикасида ЭИЗ ҳудудидан ташқарида ўз филиалларини ташкил этишга йўл қўйилмайди.

19. ЭИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этишга ЭИЗ Республика кенгашининг қарори билан, маъмурий кенгашнинг асослантирилган таклифлари бўйича ёки суд тартибида йўл қўйилади.

Инвестиция киритиш тўғрисидаги битимларда назарда тутилган инвестиция лойиҳаси параметрларини бажариш бўйича белгиланган мажбуриятларнинг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилмаслиги тадбиркорлик субъектини ЭИЗ иштирокчиси мақомидан белгиланган тартибда маҳрум этиш учун асос ҳисобланади.

ЭИЗ иштирокчиси мақомидан маҳрум бўлган тадбиркорлик субъектидан, зарур ҳолларда, ер участкасини олиб қўйиш қонунчиликка ҳамда инвестор билан тузилган инвестиция киритиш тўғрисидаги битим ёки бошқа шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

20. Тадбиркорлик субъектининг ЭИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этилиши унинг ЭИЗ ҳудудида фаолияти тўхтатилишига ҳамда мулкка эгалик ҳуқуқи бўйича ЭИЗ қатнашчисига тегишли бўлган бошқа объектларга нисбатан ҳуқуқларнинг бекор бўлишига олиб келмайди.

21. ЭИЗ ҳудудидаги фаолиятга доир низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва инвестициялаш бўйича битимларга мувофиқ ҳал этилади.

## 4-боб. ЭИЗ мақомини тугатиш

22. Эркин иқтисодий зонанинг мақоми:

уни ташкил этиш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддат тугаганидан кейин;

уни ташкил этиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган вазифалар бажарилмаганда ва мақсадларга эришилмаганда тугатилади.

23. Эркин иқтисодий зонанинг мақомини тугатиш тўғрисидаги қарор белгиланган муддат тугашидан камида уч йил олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинади.

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 16 январдаги
29-сон қарорига
2-илова

**Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ҳамда эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида**
**Низом**

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом эркин иқтисодий зоналар (кейинги ўринларда ЭИЗ деб аталади) ҳудудида жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ҳамда ЭИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. ЭИЗда амалга ошириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш бўйича ташкилий масалаларни ҳал этиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашлари ишчи органига (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади) ва ЭИЗ Дирекциясига (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) юкланади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг (кейинги ўринларда маъмурий кенгашлар деб аталади) ЭИЗ ҳудудида эквиваленти 5,0 млн АҚШ долларидан юқори қийматли инвестия лойиҳасини жойлаштириш бўйича қарори эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши (кейинги ўринларда Республика кенгаши деб аталади) билан келишилади.

4. ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришда қуйидагилар мажбурий мезонлар ҳисобланади:

маҳаллийлаштириш лойиҳалари учун қонунчиликда ўрнатилган параметрларга мувофиқ импорт ўрнини босувчи, юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

экспорт ҳажми ишлаб чиқариш фаолиятининг иккинчи йили камида 20 фоиз, учинчи ва кейинги йилларда 30 фоиздан кам бўлмаган даражада;

маъмурий кенгашлар томонидан белгиланадиган даражада янги иш ўринлари ташкил қилиш, жумладан касаба уюшмалари Кенгаши Федерацияси томонидан тақдим этиладиган ишсизлар рўйхат бўйича ишга қабул қилиш учун 10 фоизли квота ўрнатиш;

ташкил этиладиган ташкилотнинг штатдаги ходимларини жалб этилган ходимлар умумий сонининг камида 95 фоизи миқдорида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тўлдириш, уларга тажриба орттиришдан ва малака оширишдан ўтиш имкониятини бериш.

## 2-боб. Инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш учун ЭИЗ дирекциясига ҳужжатларни топшириш тартиби

5. Эркин иқтисодий зоналар (кейинги ўринларда ЭИЗ) ҳудудида жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ҳамда ЭИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш ушбу Низомнинг 1-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.



6. Инвестор Дирекцияга ушбу Низомнинг 2-иловасидаги шаклга мувофик ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳасини жойлаштириш учун тўлдирилган инвестиция буюртманомасини (кейинги ўринларда инвестиция буюртманомаси деб аталади) тақдим этади. Инвестиция буюртманомасига қуйидагилар илова қилинади:

а) юридик шахснинг (инвесторнинг) рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот ёки ушбу инвесторнинг фаолиятини тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

б) тавсия қилинаётган инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси;

в) инвесторнинг тегишли соҳадаги ва/ёки шунга ўхшаш лойиҳаларни амалга оширишдаги иш тажрибаси мавжудлигини тасдиқловчи маълумот. Агар инвесторнинг тегишли соҳада ва /ёки ўхшаш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича иш тажрибаси мавжуд бўлмаса, инвестор Дирекцияга инвестиция лойиҳасиин амалга оширишга жалб этаётган технологик ҳамкорлари тўғрисидаги маълумотни тақдим этади;

д) инвесторнинг охирги уч йилдаги молия-хўжалик фаолияти тўғрисида маълумот. Агарда инвестиция буюртманомасини топшириш вақтида инвестор:

молия-хўжалик фаолиятини юритмаган ёки бир йилдан кам юритган бўлса, инвестор Дирекцияга инвесторнинг биттадан кам бўлмаган муассисининг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади;

1 йилдан 3 йилгача хўжалик фаолиятини юритаётган бўлса, инвестор Дирекцияга ўзининг ҳақиқатда фаолият юритган даври учун молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотни тақдим этади.

Барча ҳужжатлар инвестор томонидан Дирекцияга давлат ёки рус тилидаги белгиланган тартибда тасдиқланган таржимаси илова қилинган ҳолда тақдим этилади. Инвестор тақдим этилаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ишончлилиги юзасидан жавоб беради.

7. Дирекцияга тақдим этилаётган бизнес-режада қуйидаги асосий ҳолатлар акс эттирилган бўлиши керак:

юридик шахснинг (кейинги ўринларда мурожаатчи деб аталади) ёки унинг тасъсисчиларининг ташкил этилганлиги, уларнинг тегишли соҳада ва ўхшаш инвестиция лойиҳасини амалга оширишда тажрибага эгалиги тўғрисидаги маълумот;

ходимларни ишга қабул қилиш манбаси (маҳаллий – коллеж битирувчилари, меҳнат биржаси томонидан йўналтирилган шахслар, бошқа ташкилотлар ишчилари ва чет элдан мутахассис жалб этиш) кўрсатилган, ташкил этилаётган иш ўринлари;

ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулотнинг номи, ҳажмлари ва ўзига хослиги;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг мўлжалланаётган нархлари ва сотиш бозорлари, маҳсулотни ички ва ташқи бозорга етказиш ҳажмларини кўрсатган ҳолда;

ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорлари бўйича маркетинг тадқиқотлари;

хомашё базасининг мавжудлиги ҳамда лойиҳани амалга ошириш даврида хомашё ва материаллар билан таъминлашнинг кафолатланган имконияти, маҳаллий ва импорт материаллар, бутловчи ускуналарни ажратиб кўрсатган ҳолда;

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражаси ва дастлабки 4 та белгилардан бири даражасида бошланғич хомашёга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси коди (ТИФ ТН коди - 2017 йил таҳрири) бўйича якуний маҳсулот товар позициясининг ўзгариши;

ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларни ҳамда тайёр маҳсулотни ташиш ва логистикаси;

таклиф этилаётган лойиҳани амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқаришнинг барқарор фаолият юритиши учун зарур бўлган инфратузилма ва муҳандислик иншоотлари (электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва техник сув, канализация, автойўл) ҳажми;

ишлаб чиқариш ажратмаларининг мавжудлиги, газларнинг тури ва ҳажми ҳамда қаттиқ ва суюқ чиқиндиларни кўрсатган ҳолда;

ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш учун ЭИЗ ҳудудидаги участканинг мўлжалланаётган ўлчамлари;

асосий ишлаб чиқариш цехи, ускуна ва технологик линиялар, маъмурий-маиший, омбор ва бошқа ёрдамчи биноларнинг жойлашиши кўрсатилган ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг дастлабки чизмаси;

ишлаб чиқариш технологиясининг (экологик талаблар ҳисобга олинган ҳолда) технологик ускуналар, ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилар ва давлатлари рўйхати кўрсатилган тавсифи;

ишлаб чиқаришда фойдаланилиши мўлжалланаётган технологик асбоб-ускуналарнинг хусусияти, уларнинг замонавий технологик талабларга мувофиқлиги, инвестиция лойиҳасида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган менежмент тизимининг жорий этилиши;

мўлжалланаётган инвестицияларнинг ҳажми, тури ва муддатлари, молиялаштириш манбалари ва қарз маблағлари жалб этилган тақдирда мўлжалланаётган гаров таъминоти;

инвестиция лойиҳаси амалга оширилишининг иқтисодий самарадорлигини кўрсатиб берувчи кўрсаткичлари ва молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар.

8. Дирекция тақдим этилган ҳужжатларни ушбу Низомнинг 6 ва 7-бандларида назарда тутилган талабларга мувофиқлиги юзасидан 2 иш куни мобайнида кўриб чиқади.

9. Ушбу Низомнинг 6 ва 7-бандлари талаблари бузилган ҳолда тақдим этилган инвестиция буюртманомалари, камчиликлари кўрсатилган ҳолда, кўриб чиқилмасдан инвесторга қайтарилади.

## 3-боб. Инвестиция буюртманомаларини кўриб чиқиш

10. Инвестор (инвесторлар) томонидан тақдим этилган инвестиция буюртманомалари ва ҳужжатлар Дирекция томонидан тегишли маъмурий кенгашга 2 иш куни мобайнида берилади, уларга ҳужжатлар тўпламининг, шу жумладан бизнес-режанинг ушбу Низомнинг 6 ва 7-бандлари талабларига мувофиқлиги юзасидан Дирекция директори имзолаган тегишли хулоса илова қилинади

11. ЭИЗ ҳудудида фармацевтика соҳасидаги инвестиция лойиҳаси амалга оширилган тақдирда Дирекция шунингдек инвестиция буюртманомасини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тегишли хулоса олиш учун юборади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 5 иш куни мобайнида Дирекцияга инвестиция лойиҳасининг ЭИЗ ҳудудида амалга оширилишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосасини тақдим этади.

12. ЭИЗ ҳудудида амалга ошириш учун инвестиция лойиҳасини танлаб олиш тўғрисида қарор қабул қилишда маъмурий кенгаш қуйидагиларни кўриб чиқади:

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.



инвестиция лойиҳасининг ушбу Низомнинг 4-банди талабларига мувофиқлиги;

талабга эга бўлган рақобатбардош, экспортга йўналтирилган ва/ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича технологик занжирнинг босқичма-босқич ташкил этилиши;

тавсия этилаётган ишлаб чиқаришнинг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий актлар ва норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги;

муассисларнинг ўз маблағлари ва улар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат кафолатисиз жалб этилган кредитлар ҳисобига инвестицияларнинг амалга оширилиши;

инвесторнинг молиявий барқарорлиги ва техник ва технологик базага эгалиги;

лойиҳанинг умумий иқтисодий самарадорлиги ва уни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги (ишлаб чиқариш қувватларининг мақбул жойлаштирилиши, ташкил этиладиган иш ўринлари, тармоқдаги таркибий қайта ўзгартиришларга таъсири, ишлаётган қувватлардан фойдаланилиши, зарур хомашё, материаллар ва инфратузилманинг мавжудлиги);

технологик ускуналарнинг замонавий технологик талабларга мувофиқлиги, инвестиция лойиҳасида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган бошқариш тизимининг мавжудлиги;

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун зарур маблағнинг етарлилиги.

Инвестиция буюртманомаларини кўриб чиқишда ЭИЗ ҳудудида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда хомашё ва ярим тайёр маҳсулотларни босқичма-босқич технологик қайта ишлашни кўзда тутувчи, экспортга мўлжалланган ва/ёки импорт ўрнини босадиган ва рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг тўлиқ цикли таъминланишини назарда тутадиган, шунингдек, ходим сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ишга жалб этувчи лойиҳаларга устунлик берилади.

13. Маъмурий кенгаш инвестиция буюртманомаларини Дирекция томонидан киритган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида кўриб чиқади ва:

ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳасини жойлаштириш мумкинлиги ёки тадбиркорлик субъектига ЭИЗ қатнашчиси мақомини бериш, ер участкасини ёки бўш турган ва нофаол бинони ажратиб бериш, уларнинг умумий майдони ва жойлашган жойини кўрсатган ҳолда;

аниқ ва асосланган мулоҳазалар ҳамда камчиликларни кўрсатган ҳолда тақдим этилган ҳужжатларни пухталаштиришнинг зарурлиги;

ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.

Инвестиция буюртманомасини кўриб чиқиш жараёнида маъмурий кенгаш аъзолари томонидан инвесторнинг ўзи тўғрисида нотўғри маълумотлар тақдим этганлигидан далолат берувчи ҳолатлар аниқланса, унинг инвестиция буюртманомасини кўриб чиқиш тўхтатилади ва инвесторга асосланган хулоса юборилади.

14. Инвесторлар томонидан инвестици буюртманомаларини тақдим этиш ва уларни Дирекциялар ва маъмурий кенгашлар томонидан кўриб чиқиш электрон тарзда амалга оширилиши мумкин.

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.



15. Маъмурий кенгаш ва Дирекция инвестор (инвесторлар) томонидан тақдим этилган маълумотнинг махфийлигини ошкор қилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

16. Маъмурий кенгаш аъзолари кўриб чиқиши натижасида аниқланган мулоҳазалар ҳамда камчиликлар асосида пухталаштирилган инвестиция буюртманомалари Маъмурий кенгашга кўриб чиқиш учун такроран киритилади.

Инвестиция буюртманомасини такроран кўриб чиқиш муддати 3 иш кунидан ошмайди.

17. Маъмурий кенгашнинг инвестиция буюртманомасини кўриб чиқиш натижаси бўйича қарори унинг аъзолари томонидан оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади ва маъмурий кенгаш йиғилиши баёни билан расмийлаштирилади ҳамда Дирекция ва инвестор (инвесторлар) ўртасида ЭИЗ ҳудудида инвестициялаш тўғрисидаги битимни (кейинги ўринларда инвестициялаш тўғрисида битим деб аталади) тузиш учун асос ҳисобланади

18. Маъмурий кенгаш йиғилишининг баёни Дирекция директори, маъмурий кенгаш аъзолари томонидан имзоланади ва маъмурий кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

19. Маъмурий кенгаш мажлиси баёнидан кўчирма баён маъмурий кенгаш тасдиқлаган кундан бошлаб 1 иш куни мобайнида Дирекция томонидан инвесторга ёки унинг ваколатли шахсига юборилади.

## 4-боб. Инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш бўйича маъмурий кенгашларнинг қарорларини Республика кенгаши билан келишиш

20. Маъмурий кенгашнинг қиймати эквивалентда 5,0 млн АҚШ долларидан юқори бўлган инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқиш натижаси бўйича қарори, у тасдиқланган санадан бошлаб икки иш куни ичида келишиш учун Республика кенгашига, инвестиция буюртманомаси ва лойиҳа бизнес-режаси билан бирга юборилади.

21. Республика кенгаши маъмурий кенгашнинг қарорини олган санадан бошлаб 7 иш куни ичида Республика кенгаши йиғилиши баёнини расмийлашириш йўли билан келишади. Келишиш Республика кенгаши аъзоларининг қуйидаги хулосаларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги – ҳудудларни, саноат тармоқларини ривожлантириш дастурларидан келиб чиқиб, лойиҳа амалга оширилишининг мақсадга мувофиқлиги қисми бўйича, ишлаб чиқаришни зарур хом-ашё ресурслари билан таъминланганлиги, валюта қопланувчанлиги ва ташкил этилаётган иш ўринлари ҳамда ушбу ишлаб чиқаришни маҳаллийлашритиш дастури лойиҳаларига қонунчиликда белгиланган кўрсаткичларига мувофиқлиги қисми бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси - янгидан барпо этилаётган ишлаб чиқаришларни замонавий ускуналар ва технологиялар билан жиҳозлаш, инвесторларнинг салоҳиятлилиги ҳамда инвесторнинг лойиҳани амалга ошириш учун молиявий ва технологик имкониятларининг етарлилиги қисми бўйича;

тегишли тижорат банклари – лойиҳани биргаликда молиялаштириш учун кредит ажратиш қисми бўйича.

22. Инвестия лойиҳалари бўйича ушбу Низомнинг 21-бандида кўрсатилган хулосалар ваколатли ташкилотлар томонидан уларга лойиҳанинг инвестиция буюртманомаси ва бизнес-режаси келиб тушган санадан бошлаб 5 иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига умумлаштириш ва Республика кенгаши йиғилишининг баёни лойиҳасини тайёрлаш учун юборилади.

23. Республика кенгаши ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳасини жойлаштириш бўйича маъмурий кенгаш қарорини келишиш бўйича йиғилиш баёни лойиҳасини аввал ижобий хулоса тақдим этган Республика кенгаши аъзолари билан келишиш талаб этилмайди.

## 5-боб. Инвестициялаш тўғрисидаги битимни тузиш ва ЭИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш тартиби

24. Инвестициялаш тўғрисидаги битим лойиҳаси давлат, инглиз ва рус тилларида Дирекциянинг расмий веб саҳифасида жойлаштирилади ёки маъмурий кенгашнинг инвестор томонидан кўриб чиқиш учун киритган инвестиция буюртманомасини маъқуллаш бўйича йиғилишининг баёни тасдиқлангандан кейин 1 иш куни ичида Дирекция томонидан инвесторга тақдим этилади.

Инвестициялаш тўғрисидаги битим маъмурий кенгашнинг инвестиция лойиҳасини жойлаштириш бўйича йиғилиш баёни тасдиқланган кундан бошлаб 5 иш куни ичида ушбу Низомнинг 3-иловасидаги шаклга мувофиқ Дирекция ва инвестор (инвесторлар) ўртасида тузилади.

25. Инвестициялаш тўғрисидаги битимда инвестиция лойиҳасининг хусусиятига кўра бошқа шартлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

26. Зарурат бўлганда, инвестициялаш тўғрисидаги битим қоидаларини келишиш мақсадида Дирекция ва инвестор (инвесторлар) ўртасида музокаралар ўтказилиши мумкин.

27. Инвестициялаш тўғрисидаги битим ЭИЗнинг фаолият кўрсатиш муддатидан ошмайдиган муддатга тузилади.

28. Инвестор (инвесторлар) ва Дирекция ўртасидаги инвестициялаш тўғрисидаги битим инвестор (инвесторлар) томонидан ташкил этиладиган тадбиркорлик субъекти ЭИЗ қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб кучга киради.

29. Инвестициялаш тўғрисидаги битимнинг амал қилиши:

инвестициялаш тўғрисидаги битим тузилган муддат тамом бўлгач;

тадбиркорлик субъекти ЭИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этилганда;

ЭИЗ муддатидан олдин тугатилганда;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда тўхтатилади.

30. ЭИЗ жойлашган ҳудудда давлат рўйхатидан ўтилганлиги мавжуд бўлмаган тақдирда, инвестор маъмурий кенгаш йиғилишининг баёни тасдиқлангандан сўнг 5 иш куни ичида ҳамда инвестициялаш тўғрсидаги битимни имзолашдан олдин ЭИЗ жойлашган ҳудудда рўйхатдан ўтказувчи ташкилотга керакли ҳужжатларни, у ташкил этаётган тадбиркорлик субъектини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш ёки аввал рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектини қайта рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этади.

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.



31. ЭИЗ ҳудудида жойлаштириш учун инвестор томонидан юридик шахс сифатида ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

32. Хўжалик юритувчи субъект юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин инвестор томонидан Дирекцияга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

хўжалик юритувчи субъект юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси;

ЭИЗ қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун Республика кенгаши томонидан белгиланадиган миқдорда тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

33. Дирекция ушбу Низомнинг 32-бандида кўрсатилган ҳужжатлар олинган кундан бошлаб 2 иш куни мобайнида хўжалик юритувчи субъектни ЭИЗ қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказади ва ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича ЭИЗ қатнашчиси гувоҳномасини беради.

34. Дирекция хўжалик юритувчи субъект ЭИЗ қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 1 иш куни мобайнида хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдаги давлат солиқ ва божхона хизмати органларини хабардор қилади.

35. Дирекция хўжалик юритувчи субъект ЭИЗ қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 1 иш куни мобайнида барча зарур ҳужжатларни хўжалик юритувчи субъектга ер участкаси ажратиш учун тегишли вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри бўйича давлат корхонасига беради.

## 6-боб. Якунловчи қоидалар

36. ЭИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум қилиш ёки тўхтатиб туриш Республика кенгаши томонидан маъмурий кенгашлар ёки ваколатли ташкилотларнинг асосланган таклифлари асосида, белгиланган тартибда амалга оширилади.

37. Хўжалик юритувчи субъектни ЭИЗ қатнашчиси мақомидан ихтиёрий тартибда маҳрум қилиш тўғрисидаги қарор хўжалик юритувчи субъектнинг уни бундай мақомдан маҳрум қилиш тўғрисидаги аризасига кўра ёхуд у Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тугатилган тақдирда маъмурий кенгашлар томонидан қабул қилиниши мумкин.

ЭИЗ қатнашчиси томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва (ёки) инвестициялаш тўғрисидаги битим бузилиши юзасидан низо мавжуд бўлганда хўжалик юритувчи субъектни ЭИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этиш Республика кенгашнинг қарори асосида Дирекциянинг аризаси бўйича суд тартибида амалга оширилади.

Дирекция ЭИЗ қатнашчилари реестрига хўжалик юритувчи субъектнинг қатнашчи мақомидан маҳрум этилганлиги тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирган санадан бошлаб 3 иш куни мобайнида хўжалик юритувчи субъектнинг ЭИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритади.

38. Дирекция ЭИЗ қатнашчилари реестрига тегишли ёзув киритилган кундан бошлаб 1 иш куни мобайнида давлат солиқ ва божхона хизмати органларини хўжалик юритувчи субъектнинг ЭИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этилгани тўғрисидаги маълумотлардан хабардор қилади.

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.



39. Тадбиркорлик субъектининг ЭИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум бўлиши унинг ЭИЗ ҳудудидаги фаолиятини ҳамда ЭИЗ қатнашчисига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бошқа объектларга нисбатан ҳуқуқлари тугатилишини келтириб чиқармайди. Бу ҳолда ушбу тадбиркорлик субъекти ЭИЗ қатнашчисига тақдим этиладиган имтиёз ва афзалликлардан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотади.

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида
жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини
танлаб олиш ҳамда эркин иқтисодий зоналар
қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги Низомга
1-илова

## Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ҳамда ЭИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш СХЕМАСИ

| Масъул орган | Кўриб чиқилаётган масала | Кўриб чиқиш муддати |
|---|---|---|
| **ЭИЗ ҳудудида жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш** | | |
| Дирекция | Топширилган ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳасини жойлаштириш бўйича инвестиция буюртманомасини унга илова қилинган ҳужжатлар билан кўриб чиқиш ва маъмурий кенгашга кўриб чиқиш учун киритиш.<br>ЭИЗ ҳудудида фармацевтика соҳасидаги инвестиция лойиҳаси киритилган тақдирда инвестиция буюртманомасини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юбориш. | 2 иш куни ичида |
| Маъмурий кенгаш | Инвестиция буюртманомасини иловалари билан кўриб чиқиш ва:<br>ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳасини жойлаштириш мумкинлиги ёки тадбиркорик субъектига ЭИЗ қатнашчиси мақомини бериш, ер участкасини ёки бўш турган ва нофаол бинони ажратиб бериш, уларнинг умумий майдони ва жойлашган жойини кўрсатган ҳолда;<br>аниқ ва асосланган мулоҳазалар ҳамда камчиликларни кўрсатган ҳолда тақдим этилган ҳужжатларни пухталаштиришнинг зарурлиги;<br>ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиш.<br><br>Қиймати эквивалентда 5,0 млн АҚШ долларидан юқори бўлган инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқиш натижаси бўйича қарорни келишиш учун Республика кенгашига, инвестиция буюртманомаси ва лойиҳа бизнес-режаси билан бирга юбориш. | 5 иш куни ичида<br><br>2 иш куни ичида |
| Республика кенгаши | Қиймати эквивалентда 5,0 млн АҚШ долларидан юқори бўлган инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиш. | 7 иш куни ичида |
| Дирекция | Маъмурий кенгаш мажлиси баёнидан кўчирмани инвесторга ёки унинг ваколатли шахсига юбориш. | 1 иш куни ичида |
| **ЭИЗ қатнашчиларини рўйхатга олиш (қайта рўйхатдан ўтказиш)** | | |
| Дирекция ва инвестор | Инвестициялаш тўғрисида битим тузиш, зарурат бўлганда, инвестициялаш тўғрисидаги битим қоидаларини келишиш мақсадида музокаралар ўтказилиши мумкин. | 5 иш куни ичида |
| Инвестор | Рўйхатдан ўтказувчи ташкилотга керакли ҳужжатларни, у ташкил этаётган тадбиркорлик субъектини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш ёки аввал рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектини қайта рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиш. | Маъмурий кенгаш йиғилишининг баёни тасдиқланган кундан бошлаб 5 кун ичида |
| Рўйхатдан ўтказувчи орган | Давлат рўйхатидан ўтказиш, ваколатли ташкилотлар рўйхатига олиш. | 1 иш куни ичида |

| Масъул орган | Кўриб чиқилаётган масала | Кўриб чиқиш муддати |
|---|---|---|
| Дирекция | Хўжалик субъектини ЭИЗ қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш ва гувоҳнома бериш. | Ҳужжатларни олган кундан бошлаб 2 иш куни ичида |
| Дирекция | Хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдаги давлат солиқ ва божхона хизмати органларини хабардор килиш.<br>Барча зарур ҳужжатларни хўжалик юритувчи субъектга ер участкаси ажратиш учун тегишли вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри бўйича давлат корхонасига бериш. | Хўжалик субъектини ЭИЗ қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб 1 кун ичида |

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида
жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини
танлаб олиш ҳамда эркин иқтисодий зоналар
қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги Низомга
2-илова

**_________________________(ҳудуд номи)
эркин иқтисодий зоналар ва кичик
саноат зоналари Маъмурий кенгаши**

**«___________________» эркин иқтисодий зонасида
инвестиция лойиҳасини жойлаштириш учун
инвестиция буюртманомаси**

**1. Инвестор (инвесторлар) тўғрисида маълумотлар**

| | |
|---|---|
| Мурожаатчи (инвестор ёки инвесторлар) ташкилотнинг номи, келиб чиққан давлати | |
| Инвестор (ёки инвесторлар) тўғрисида маълумот, жумладан давлат рўйҳатидан ўтган санаси ва жойи, таъсисчи(лар) ва бошқалар | |
| Юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, таъсисчиларнинг устав фондидаги улушининг тақсимланиши ва қўйилмаларнинг шакли | |
| Мурожаатчи ташкилотнинг жойлашуви (манзили) | |

**2. Инвестиция лойиҳаси тўғрисида маълумотлар**

| | |
|---|---|
| Инвестиция лойиҳасининг номи | |
| Инвестиция лойиҳасининг мақсади ва қисқача тавсифи, жумладан ишлаб чиқаришнинг йиллик қуввати | |
| Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг номи, қўлланилиши ва асосий белгилари | |
| Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ТИФ ТН коди (10 та белги) | |
| Маҳсулотнинг ўртача йиллик ишлаб чиқариш ҳажми, экспортга ва ички бозорга йўналтириладиган ҳажмини (натура кўринишида ва экв.АҚШ долларида) ҳисобга олган ҳолда | |

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.



| | |
|---|---|
| Асосий хомашё, материал ва бутловчи қисмлар (маҳаллий ва импорт), уларнинг тайёр маҳсулотдаги улуши (% да) | |
| Хомашё, материаллар, бутловчи қисмларга бўлган йиллик талаб (экв. АҚШ долларида), шу жумладан маҳаллий ва импорт | |
| Маҳаллийлаштириш даражаси (МД=(1-И/Т)х100%)* ҳамда тайёр маҳсулот товар позициясининг ТИФ ТН коди бўйича ўзгариши (1 йил, 2 йил, 3 йил) | |
| Маҳсулот стандарлари - ГОСТ, ОСТ, ТУ, O'zDst, ISO 9001 и ISO 14001 ва бошқалар | |
| Фойдаланилиши мўлжалланаётган савдо маркаси | |
| Ишлаб чиқаришнинг бошланиш санаси | |
| Ташкил этилаётган иш ўрни, жумладан маҳаллий ходимлар | |

### 3. Зарур майдон ва инфратузилма тўғрисида маълумотлар

| | |
|---|---|
| Талаб этиладиган майдон (га) | |
| Ишлаб чиқариш майдонлари (кв.м.) | |
| Электроэнергияга бўлган талаб (кВт/соат йилига), ўрнатиладиган қувват (кВт ёки МВт) | |
| Табиий газга бўлган талаб (куб.м., йилига), босим (атм.) | |
| Ичимлик ва техник сувга бўлган талаб (куб.м., йилига) | |
| Ифлослантирувчи моддалар чиқаришнинг мавжудлиги, жумладан газлар (номлари) кг, йилига ёки соатига, қаттиқ чиқиндилар (номлари) тн/ойда, суюқ чиқиндилар (номлари) тн/ойда ва бошқалар | |

### 4. Лойиҳанинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

| | |
|---|---|
| Лойиҳанинг қиймати (экв.АҚШ долларида) | |
| Молиялаштириш манбалари (тўғридан-тўғри инвестициялар, маҳаллий таъсисчилар маблағлари, тижорат банклари кредитлари) | |

| | |
|---|---|
| Машина ва асбоблар қиймати (экв.АҚШ долларида), жумладан маҳаллий ва импорт | |
| ҚМИ қиймати (экв.АҚШ долларида) | |
| Айланма капитал суммаси (экв.АҚШ долларида) | |
| Инвестицияларни киритиш шакли ва жадвали | |
| Лойиҳанинг қопланиш муддати (бизнес-режага мувофиқ) | |

** МД – ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражаси; И – импорт қилинаётган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмларнинг валютадаги қиймати (божхона тўловлари билан бирга); Т – маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш таннархи (маҳаллий етказиб берувчилардан олинган импорт хомашёси маҳаллий ҳисобланмайди).*

Раҳбар
М.Ў.

_______________ _________________________
*(имзо)* *(Ф.И.О.)*

_______________
*(сана)*

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш
учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ҳамда
эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларини
рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга
3-илова

**««________» ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ ДИРЕКЦИЯСИ»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ**

ва

«__________» *(инвестор/инвесторлар)*

ЎРТАСИДА

**«_________» ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ ҲУДУДИДА
ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМ**

**20___йил “___”______________даги**

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.



Ушбу 20___йил “___”____________даги “_________” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида инвестициялашни амалга ошириш тўғрисидаги битим (кейинги ўринларда Битим деб аталади):

**(I) “_________” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» ДУК** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “_________” эркин иқтисодий зонасини ташкил қилиш тўғрисида” 20___йил “___”___________даги ПФ-_______-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг билан 20___йил “___”___________даги ______-сон қарорига мувофиқ, кейинги ўринларда “___________” ЭИЗ Дирекцияси ва,

**(II) Инвестор**, ___________________________________________

ўртасида жаҳон стандартлари мос ________________ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда ушбу маҳсулотга бўлган Ўзбекистон Республикаси ички бозоридаги ва ташқи бозорлардаги талабни қондиришни таъминлаш мақсадида,

Инвестор Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий имкониятга, техник ва профессионал билимларга эгалигини ҳисобга олиб, томонлар ушбу Битимни қуйидагилар тўғрисида тузишди:

## 1-МОДДА
## ТАЪРИФ ВА ТУШУНТИРИШ

**Инвестиция лойиҳаси** – Инвестиция объектинининг “___________” ЭИЗ ҳудудида, аввалдан белгиланган вақт давомида, ўз маблағларини ва (ёки) турли манбалардан жалб қилинадиган капитални (тўғридан-тўғри инвестицияларни) киритиб, лойиҳаолди, тайёрлов, лойиҳа қурилиш-монтаж ишлари, ускунани етказиб бериш ва ишга тушириш, хомашё ва бутловчи қисмларни етказиб бериш ҳамда Инвестиция объектини ишга тушириш ва келгусида фойдаланиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларнинг йиғиндиси.

**Инвестиция объекти –** __________________ни ишлаб чиқариш бўйича, Инвестиция лойиҳасида кўзда тутилган барча муҳандислик коммуникациялар, ишлаб чиқариш технологияси ва ускунасини ҳисобга олган ишлаб чиқариш комплекси.

**Инвестор** – белгиланган тартибда танловдан ўтган ҳамда ЭИЗ ҳудудида инвестиялашни амалга ошираётган инвестиция фаолияти субъекти;

**Компания** – амалдаги қонунчиликка мувофиқ ташкил этилган ва қуйидаги манзилда жойлашган юридик шахс: Ўзбекистон Республикаси, _______________вилояти, “__________” ЭИЗ;

**Томонлар -** “__________” ЭИЗ ва Инвестор ёки контекстга боғлиқ равишда алоҳида;

**Инвестициялар** – Инвесторнинг Инвестиция лойиҳасига киритиладиган барча маблағлари;

**Амалдаги қонунчилик –** Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги.

## 2-МОДДА
## БИТИМ ПРЕДМЕТИ

2.1. Ушбу Битим Инвесторнинг Корхона томонидан амалга оширилаётган Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш ва амалга ошириш бўйича ҳуқуқи, мажбурияти ва масъулиятини, "______________" ЭИЗ Дирекциясининг Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқи, мажбурияти ва масъулиятини белгилайди, шунингдек, ушбу Битим билан Инвестор ва Корхона учун яратилган ҳимоя кафолати ва услублари, имтиёз ва афзалликлари билан боғлик бўлган шартнома муносабатларини белгилайди.

2.2. Инвестиция лойиҳаси тўғридан-тўғри инвестициялар, маҳаллий таъсисчиларнинг ўз маблағлари ёки Инвесторнинг масъулияти остида жалб этилаётган тижорат банклари кредитлари ҳисобига амалга оширилади.

2.3. Инвестиция лойиҳаси бир неча босқичларда амалга оширилади. Инвестициянинг умумий суммаси ______ йил давомида ______________экв. АҚШ долларини ташкил этади (инвестицияни киритиш жадвалига мувофиқ).

## 3-МОДДА
## ИНВЕСТИЦИЯЛАР ОБЪЕКТИ ВА ҲАЖМИ

3.1. Корхона таъсисчилари бўлиб, ____________________ ва ________________ корхонаси ҳисобланади.

3.2. Устав фондини шакллантиргандан сўнг, Корхона ______________ни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ____________________миқдордаги инвестицияни таъминлаши керак.

## 4-МОДДА
## ФАОЛИЯТ ТУРИ

4.1. Инвестиция лойиҳасининг фаолияти - ________________ ҳажмда ___________________ ишлаб чиқариш ҳисобланади.

4.2. Корхона амалдаги қонунчиликда тақиқланган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас.

## 5-МОДДА
## БИТИМНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

5.1. Ушбу Битим уни имзолашган санадан бошлаб кучга киради ва 20__ йилнинг ____________ гача (ЭИЗнинг фаолият юритиш муддатидан ошмаган муддат кўрсатилади) амал қилади.

5.2. Ушбу Битимнинг барча шартлари, у кучга кирган санадан бошлаб, Томонлар учун мажбурий ҳисобланади.

## 6-МОДДА
## "__________" ЭИЗ ДИРЕКЦИЯСИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Ушбу Битимга мувофиқ "__________" ЭИЗ Дирекцияси ўзига берилган ваколатлар доирасида қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.



6.1.1. эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда маъмурий кенгаш деб аталади) томонидан тасдиқланган Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жадвалига мувофиқ Инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилишини текширишни амалга ошириш;

6.1.2. компания белгиланган тартибда рўйхатдан ўтгандан сўнг "__________" ЭИЗ қатнашчилари реестрига киритиш ва унга тегишли "__________" ЭИЗ қатнашчиси Гувоҳномасини бериш;

6.1.3. Инвестиция лойиҳасининг ўз вақтида амалга оширилиши, Инвестиция объектини ишга тушириш ва фаолият юритиши учун зарур инфратузилма (электрэнергия, газ ва сув таъминоти, канализация, кириш йўллари ва бошқалар), ҳудудни ободонлаштиришни таъминлаш билан боғлиқ масалалрни ҳал этишда ёрдам кўрсатиш;

6.2. "__________" ЭИЗ Дирекцияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

6.2.1. ушбу Битим бўйича Инвестор томонидан ўз мажбуриятлари бажарилиши тўғрисида ҳисобот ва Инвестия лойиҳаси амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотни инвестордан олиш.

6.2.2. амалдаги қонунчилик ва ушбу Битимга мувофиқ Инвестор томонидан ўз мажбуриятларининг тегишли равишда бажарилиши юзасидан назорат олиб бориш;

6.2.3. ўзига топширилган ваколатлар доирасида "__________" ЭИЗ ҳудудида жойлашган давлат мулкидаги кўчмас мулк объектларини бошқариш;

6.2.4. Инвестор томонидан Инвестициялаш тўғрисидаги битимга мувофиқ асосий мажбуриятларини, жумладан, ўз вақтида инвестиция киритилиши, Инвестиция объектининг ишга туширилиши ва фаолият юритиши, ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилиши, маҳсулотнинг экспорт қилиниши, маҳаллий ходимларнинг ўқитилиши, экологик хавфсизлик ва табиат муҳофазаси соҳасидаги Амалдаги қонунчилик нормаларига амал қилиниши, тизимли бузиш содир этилган тақдирда Корманияни "__________" ЭИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум қилиш тўғрисида маъмурий кенгаш ва/ёки эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашига (кейинги ўринларда Республика кенгаши деб аталади) таклиф киритиш.

## 7-МОДДА
## ИНВЕСТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Ушбу Битимга мувофиқ Инвестор қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

7.1.1. _____ойда (ёки маъмурий кенгаш Раиси томонидан тасдиқланган Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тармоқ жадвалига мувофиқ) ______________ (экв. млн АҚШ доллари) миқдоридаги инвестицияни тўлиқ киритиш;

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.



7.1.2. маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланган Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тармоқ жадвалига мувофиқ Инвестиция объекти қурилишини бошлаш ва тугатиш;

7.1.3. Инвестиция лойиҳасининг бизнес-режасига мувофиқ экспортга ва ички бозорларга йўналтириладиган ўртача йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини амалга ошириш;

7.1.4. қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда, ускунларни ўрнатишда ва хўжалик фаолиятини юритишда тегишли норма ва қоидаларга, жумладан экологик хавфсизлик ва табиатни муҳоваза қилиш соҳасидаги Амалдаги қонунчилик нормаларига риоя этиш;

7.1.5. Корхонада халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга кафолат берувчи бошқариш тизимни жорий этиш ва бундай тизимни ўз вақтида сертификатлаш;

7.1.6. меҳнат шароитларини таъминлаш ва меҳнат тўғрисидаги Амалдаги қонунчилик нормаларига риоя қилиш ҳамда маҳаллий аҳолини бандлигини таъминлаш мақсадида янги иш ўринлари ташкил этиш (ташкил этилаётган иш ўрнининг умумий миқдорининг камида 90%), жумладан, Инвестор мутахассисларининг бошчилигида амалдаги корхоналарда маҳаллий мутахассисларни ўқитишни ташкил этиш;

7.1.7. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича (жумладан, инвестицияни миқдори, ишлаб чиқаришнинг ишга туширилиши, маҳаллийлаштириш даражаси, маҳсулотнинг экспорт қилиниши, янги иш ўринлари) Амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳисоботларни “__________” ЭИЗ Дирекциясига тақдим этиш;

7.1.8. “__________” ЭИЗ қатнашчиси сифатида рўйхатга олинганлиги учун, Республика кенгаши томонидан белгиланган миқдордаги тўловни амалга ошириш.

7.2. Ушбу Битимга мувофиқ Инвестор Корхона томонидан қуйидаги мажбуриятларнинг қабул қилинишини таъминлайди:

7.2.1. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда тўланишини амалга ошириш;

7.2.2. Корхона томонидан меҳнат, табиат муҳофазаси, техника хавфсизлиги соҳасидаги Амалдаги қонунчилик нормалари талабларига риоя этилиши ҳамда табиий ресурслардан унумли фойдаланиш бўйича барча зарур чораларни қўллаш;

7.2.3. Корхона томонидан Инвестиция объекти жойлашган ҳудуднинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, ободонлаштириш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ишларни амалга ошириш.

## 8-МОДДА
## ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Томонлар Битимнинг шартларига мувофиқ ушбу Битим бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ва/ёки етарли бажармагалиги учун

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.



жавобгарликка тортилади. Битимда белгиланмаган ҳолатларда Томонлар Амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Ушбу Битимга кўра Инвестор томонидан ўзига юкланган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, Корхона Республика кенгашининг қарори билан "__________" ЭИЗ қатнашчиси реестридан, барча белгиланган имтиёзлар ва афзалликларнинг амал қилиши тўхтатилган ҳолда чиқарилиши мумкин.

8.2. Инвестор "__________" ЭИЗ Дирекциясининг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас, тегишли равишда "__________" ЭИЗ Дирекцияси Инвесторнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас.

## 9-МОДДА
## БИТИМНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА ТУГАТИШ

9.1. Томонларнинг ўзаро келишувига кўра Битимга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда тузилган бўлиши ва Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланиши лозим.

9.2. Битимнинг амал қилиши қуйидаги ҳолатларда тўхтатилиши мумкин:

9.2.1. Ушбу Битимнинг 5.1-бандида кўрсатилган амал қилиш муддати тугаганда;

9.2.2. ажратилган ҳудуднинг белгиланган мақсадда фойдаланилмаган ёки қурилиш-монтаж ишларини бошлаш таъминланмаган тақдирда.

Корхонага Инвестиция лойиҳаси учун ҳудуд ажратиш тўғрисидаги қарор маъмурий кенгашнинг қарори билан бекор қилинади;

9.2.3. "__________" ЭИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум бўлган тақдирда;

9.2.4. Инвестор ушбу Битим бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда;

9.2.5. "__________" ЭИЗ муддатидан аввал тугатилганда;

9.2.6. Ушбу Битимнинг 10.3-бандида кўзда тутилган ҳолатда;

9.2.7. Амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

9.3. Ушбу Битим бекор қилинган тақдирда Инвесторга ва Компанияга Амалдаги қонунчилик билан берилган барча имтиёз ва афзалликлар тўхтатилади.

## 10-МОДДА
## ФОРС-МАЖОР

10.1. Томонлар ушбу Битим бўйича мажбуриятларининг тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги учун жавобгарликдан қуйидаги ҳолатларда озод этилади: агар бу ҳолат бартараф этила олинмайдиган кучлар таъсири натижаси бўлганда, яъни фавқулодда ва олдини олиб бўлмайдиган табиий офатлар (зилзила, сув тошқинлари ва бошқалар), ташқи объектив омиллар (эпидемиялар, Томонларнинг оқилона назорати остида бўлмаган бошқа ҳодисалар), ушбу ҳолатлар мавжуд бўлган вақтга, агар бу ҳолатлар тўғридан-тўғри ушбу Битимнинг бажарилишига таъсир этган бўлса.

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.



10.2. Томонлар бир-бирларини форс-мажор ҳолатлари вужудга келиш тўғрисида хабардор қилишга мажбур. Агар, бир Томон бошқа Томонни бундай ҳолат содир бўлиши ҳақида 30 кун муддатда ўз вақтида хабардор қилмаса, мазкур Томон кўрсатиб ўтилган ҳолатларни форс-мажор сифатида эътироф этиш ҳуқуқини йўқотади.

Форс-мажор ҳолатлари содир бўлган ҳудуддаги ваколатли ташкилот томонидан берилган тасдиқ бундай ҳолатлар мавжудлиги ва уларнинг давомийлигига етарли далил бўлади.

10.3. Агар бартараф этиб бўлмайдиган кучлар вужудга келтирган ҳолатлар бир йилдан зиёд давом этса, Томонлар ушбу Битимни, жарималар ва (ёки) неустойкани тўламасдан, ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва бошқа Томоннинг кўрган зиёнини камайтириш бўйича барча имконияти бўлган чораларни кўриб, давом эттиришдан бош тортиш ҳуқуқига эга.

10.4. Иккала Томон форс-мажор ҳолатлари оқибатларини бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўришга мажбур.

## 11-МОДДА
## НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

11. Томонлар ушбу Битимнинг ижроси натижасида келиб чиқадиган низолар ва келишмовчиликларни ўзора музокаралар ва маслаҳатлар йўли билан ҳал қилиш учун ҳаракат қилади.

## 12-МОДДА
## ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

12.1. Ушбу Битим шартлари ва Томонларнинг молиявий ҳолати, шунингдек, Инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этадиган учинчи шахслар билан Битим тўғрисидаги ҳарқандай маълумот махфий ҳисобланади ва ошкор қилинмайди.

12.2. Томонлар тўлов ва почта реквизитларидаги барча ўзгаришлар тўғрисида бир-бирини зудлик билан хабардор қилишлари шарт. Эски манзил ва ҳисоб рақамлари бўйича, уларнинг ўзгариши тўғрисида хабардор бўлишдан олдин амалга оширилган ҳаракатлар мажбуриятларни бажаришда ҳисобга олинади.

12.3. Ушбу Битим ҳар бир томон учун биттадан 2 та нусхада давлат (ёки рус) ва инглиз тилларида, _____ бетда тузилган. Ҳамма нусхалар тенг юридик кучга эга.

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар вужудга келга тақдирда Томонлар тегишли равишда ўзбек (ёки рус) тилидаги матнга мурожаат этишади.

## ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида
жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини
танлаб олиш ҳамда эркин иқтисодий зоналар
қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги Низомга
4-илова

Ўзбекистон Республикаси Герби

**««________» ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ ДИРЕКЦИЯСИ»**
**ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ**

**ГУВОҲНОМА**

Тартиб рақами: ______

Берилди: ____________________________________________________________________га
*(ташкилот номи)*

**«________» ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ ҚАТНАШЧИСИ СИФАТИДА**

Берилган сана: ___________________________

Асос: ____________________________________________________________________
*(________________________(ҳудуд номи) эркин иқтисодий зоналар*
*ва кичик саноат зоналари Маъмурий кенгаши қарорининг санаси ва рақами)*

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР коди) ______________________

Директор: ______________________ ______________________
*(Ф.И.О.)* *(сана, имзо)*

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил16 январдаги
29-сон қарорига
3-илова

**Эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларига ер участкалари бериш тартиби тўғрисида Низом**

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари билан ташкил этилаётган эркин иқтисодий зоналар (кейинги ўринларда ЭИЗ деб аталади) қатнашчиларига ер участкалари бериш тартибини ва махсус ҳуқуқий режимни белгилайди.

2. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашлари (кейинги ўринларда маъмурий кенгаш деб аталади) -** Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарори билан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар вакилларидан ташкил этиладиган коллегиал органлар;

**Дирекция** – ЭИЗ фаолиятини тезкор бошқариш учун ташкил этиладиган, давлат унитар корхонаси шаклидаги юридик шахс;

**инвестор** – белгиланган тартибда танловдан ўтган ҳамда ЭИЗ ҳудудида инвестиялашни амалга ошираётган инвестиция фаолияти субъекти;

**ЭИЗ ҳудудида инвестициялаш тўғрисидаги битим (кейинги ўринларда инвестициялаш тўғрисидаги битим** деб аталади) – Дирекция ва инвестор ўртасида тузиладиган ҳамда уларнинг ҳуқуқи, мажбурияти ва масъулиятини белгиловчи битим;

**ЭИЗ қатнашчиси** – белгиланган тартибда ЭИЗ ҳудудида рўйхатдан ўтган ва Дирекция томонидан ЭИЗ қатнашчиси реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъект;

**ер участкасидан фаойдаланиш тўғрисидаги шартнома** – тегишли шаҳар (туман) ҳокимлиги ва ЭИЗ қатнашчиси ўртасида тузиладиган, ЭИЗ ҳудудида ер участкасидан тезкор фойдаланиш тўғрисидаги шартнома.

3. ЭИЗ таркибига киритиладиган ер участкалари чегаралари Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукумати қарорлари билан белгиланади.

ЭИЗ ҳудудидаги ер участкалари маъмурий кенгашларнинг тўғридан-тўғри ихтиёрида ҳисобланади ҳамда маъмурий кенгашларнинг қарорларига асосан ЭИЗ қатнашчиларига берилади.

4. ЭИЗ ҳудудидаги архитектура ва шаҳарсозлик фаолияти белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. ЭИЗ қатнашчиларига ер участкаси Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида белгиланган ЭИЗ фаолият юритиш муддатига тезкор фойдаланиш учун берилади.

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.



ЭИЗ қатнашчиларига ЭИЗ фаолият юритиш муддати узайтирилган тақдирда ер участкасидан тезкор фойдаланиш муддатини тегишли муддатга узайтириш ҳуқуқи берилади.

ЭИЗ қатнашчиси мақомини олган ва/ёки маъмурий кенгаш қарори билан ЭИЗнинг бош режасига мувофиқ корхонасини жойлаштириш амалга оширилган тақдирда ер участкаси беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

**2-боб. ЭИЗ қатнашчиларига ер участкаси ажратиш тартиби**

6. ЭИЗ қатнашчиси мақомини олган корхоналарни жойлаштириш маъмурий кенгашлар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЭИЗ қатнашчиларини жойлаштириш, биринчи навбатда, нофаол, бўш турган бино, иншоот ва битмаган қурилиш объекти, шунингдек, давлат мулки объектлари ва ташқи муҳандислик инфратузилмасига эга ҳудудларда қурилиш учун зарур ер участкалари аниқлаштирилган ҳолатда амалга оширилади.

7. Ер участкаларини ажратиш ҳужжатларини тайёрлаш ишлари, шунингдек, ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишиш шартнома асосида ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри бўйича давлат корхонаси (кейинги ўринларда давлат корхонаси деб аталади) томонидан ЭИЗ қатнашчиси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

8. Инвестор Дирекция билан биргаликда ЭИЗ бош режасига мувофиқ ЭИЗ ҳудудида корхона жойлашадиган жойни белгилайди.

9. Ер участкаси олиш учун ЭИЗ қатнашчиси Давлат хизматлари марказларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 декабрдаги 358-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг иловасидаги шаклда ер участкаси ажратиш тўғрисидаги ариза билан почта орқали ёки шахсан бориб мурожаат этади.

Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизматлари Ягона портали ёки Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналалари Ягона портали (кейинги ўринларда Ягона портал деб аталади) орқали юборилган аризалар тўғридан-тўғри тегишли шаҳар (туман) ҳокимлигига юборилади.

Ер участкаси ажратиш тўғрисидаги аризада қўшимча ер участкасидан фойдаланишнинг мақсади, унинг жойлашган жойи ва ўлчамлари (зарур майдоннинг асоси), қурилиш ишлари бошланиши ва тугатилишининг тахминий муддати, юридик шахснинг реквизитлари ва почта манзили кўрсатилиши лозим.

Давлат хизматлари марказлари томонидан инвесторга аризасининг Давлат хизматлари марказига келиб тушишидан бошлаб то унга ер участкаси ажратиш тўғрисидаги тегишли қарор тақдим этилгунга қадар аризанинг кўриб чиқиш ҳолатини реал вақт режимида кузатиш имконияти таъминланади.

10. Давлат хизматлари марказига почта алоқаси ёки шахсан келиб топширилган ариза Давлат хизматлари маркази ходими томонидан сканердан ўтказилиб, унинг электрон рақамли имзоси (кейинги ўринларда ЭРИ деб аталади) билан имзоланади ва ер участкаси жойлашган шаҳар (туман) ҳокимлигига идоралараро электрон маълумот алмашув тизими орқали ариза келиб тушган куни юборилади.

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.



ЭИЗ қатнашчиси аризани топширишдан олдин давлат корхонаси ҳисоб рақамига ер участкаси танлаш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорида аванс тўлайди.

Ер участкасини танлаш бўйича материалларни келишишда ваколатли ташкилотлардан рад жавоби олинган тақдирда аванс қайтариб берилмайди, давлат корхонаси томонидан рад этилиши ҳолатлари бундан мустасно.

ЭИЗ қатнашчиси ер участкасини танлаш бўйича материалларни келишишнинг рад этилиши юзасидан ваколатли органлар қарори тўғрисида белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

11. Туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан аризани кўриб чиқишда Давлат хизматлари марказига мурожаат этган инвесторни таклиф этиш ҳамда қўшимча ҳужжатлар ва (ёки) маълумотлар тақдим этилишини талаб қилиш тақиқланади.

12. Давлат корхонаси туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан ариза келиб тушган кундан бошлаб беш кун ичида ер участкаларини танлаш бўйича ҳужжатларни тайёрлайди.

13. Ер участкаларини танлаш бўйича ҳужжатлар қуйидаги таркибда тайёрланади:

ер участкаси тўғрисида қисқача маълумот, жорий фойдаланилиши ва режалаштирилаётган йўналишини кўрсатиш;

қўшни ер участкаларидан фойдаланишнинг турлари кўрсатилган ҳолатдаги схема;

ер участкасининг М1:500 топографик харитасида ер ости муҳандислик коммуникациялари акс эттирилган (қишлоқ хўжалиги харитасида топографик харита мавжуд бўлмаган тақдирда) жойлашув режаси;

ер участкаларининг атрофидаги объектлар билан биргаликдаги камида икки томондан олинган фотосуратлари.

14. Ер участкасини танлаш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш жараёнида:

унинг умумий майдони аниқланади;

шаҳарсозлик ва ер тузиш ҳужжатлари ўрганилади, танланаётган ер участкасидаги бино ва иншоотлар, уй-жойлар, жумладан ўзбошимчалик билан қурилган, ерости муҳандислик тармоқлари, қишлоқ хўжалиги ерларининг таркиби аниқланади;

муҳандислик инфратузилмаси ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш вақтида ноқулайликлар туғдирмаслик ҳамда бино ва иншоотларнинг асоссиз бузилишининг олдини олган ҳолда ер участкаларини жойлаштириш йўллари қидирилади;

атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаси бўлган объектлар атрофида санитария бўйича қўриқлаш зонасини таъминлаш имконияти ҳисобга олинади;

биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ёки қишлоқ хўжалигини юритиш учун яроқсиз бўлган ерларда объектлар қурилиши учун ер участкасини танлаш имконияти ўрганилади.

15. Ер участкасини танлаш бўйича ҳужжатлар қуйидагилар билан келишилади:

туман (шаҳар) ҳокими;

туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлими;

Ўзбекисто Республикаси Вазирлар Маҳкамасиннинг “Ўзбекистон Республикаси давлат экология экспертизаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 31 декабрдаги 491-сон қарорига мувофиқ лойиҳа инвестори томонидан атроф муҳитга таъсир

этиш бўйича ариза келиб тушган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармалари;

давлат санитария-эпидемиология назорати туман (шаҳар) маркази;

туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) ёнғин хавфсизлиги бўлими;

қўриқланадиган, сув қўриқхоналари ва санитария-ҳимоя зоналари, қўриқланадиган табиий ҳудудлар, магистрал қувурлар, темир ва автомобиль йўллари, электрузатиш ва алоқа линиялари ҳамда аэродромлар, чиқинди ва бошқа заҳарли моддаларни кўмиш жойлари атрофида ер участкаси танланган тақдирда тегишли режим ҳудудлари ва иншоотларидан фойдаланувчи ташкилотлар;

Дирекция;

Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия таркибига кирувчи бошқа ташкилотлар.

Инвесторларга ер участкалари бюджет ташкилотларидан олиб берилган тақдирда ер участкаларини танлаш ҳужжатлари тегишли юқори (республика) ташкилоти билан келишилади. Ер участкаларини танлаш бўйича ҳужжатларни келишиш муддати тўрт кундан ошмаслиги лозим.

Ер участкасини жойлаштириш режаси йўлланган кундан бошлаб белгиланган муддатда ваколатли ташкилотлар томонидан келишилмаган тақдирда у келишилган ҳисобланади, ваколатли ташкилотлар томонидан асосланган рад этиш белгиланган муддатда тақдим этилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ер участкалари бериш бўйича ҳужжатларни келишишда ваколатли ташкилотлар томонидан қўшимча ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилиш тақиқланади.

16. Аҳоли пунктининг бош режаси ҳамда батафсил режалаштириш лойиҳалари билан белгиланган ва функционал йўналиши шаҳарсозлик ҳужжатларидаги тушунтиришга мувофиқ бўлган аҳоли пунктларида объектлар қуриш учун ер участкасини танлаш бўйича ҳужжатларни Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда вилоятлардаги архитектура ва қурилиш бош бошқармалари, лойиҳа-қидирув бош ташкилотлари билан келишиш талаб этилмайди.

17. Давлат корхонаси тўрт кун мобайнида ер участкасини танлаш бўйича ҳужжатлар асосида ер участкаси ажратиш бўйича ҳужжатларни ва туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкасини ажратиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини тайёрлайди.

Зарурат бўлганда ер участкасини ажратиш бўйича ҳужжатларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

кўчириб чиқарилаётган фуқаролар рўйхати, янги ер участкалари ёки хонадон (мавжуд бўлганда) олишни хоҳловчилар кўрсатилган ҳолда;

ер участкалари ижарачилари, фойдаланувчилари, эгалари ва мулкдорларининг бошқа ҳамда қишлоқ ва ўрмон хўжалигидаги ишлаб чиқариш (мавжуд бўлганда) зарарларининг миқдорини аниқлаштириш далолатномаси;

ўрмон хўжалиги корхоналари эгалигидаги ер участкаси олиб берилаётган тақдирда ажратилаётган ер участкаларининг техник текшириш далолатномаси;

бузиб ташланадиган бино ва иншоотлар баҳоси бўйича ҳисобот (мавжуд бўлганда).

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.



Ажратилаётган ер участкасидан ташқарида бўлган уй-жой, иморат ва иншоотлар, шу жумладан қурилиши тугалланмаган объектлар, агар ерни олиб қўйиш натижасида улардан келгусида фойдаланиш имкони йўқолса ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида назарда тутилган қишлоқ ва ўрмон хўжалигидаги ишлаб чиқариш зарарлари қийматини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида" 2006 йил 29 майдаги 97-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг хусусий мулкида бўлган ер участкаларининг қиймати баҳоловчи ташкилотлар томонидан унинг ерни олиб қўйиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган вақтдаги бозор қийматидан келиб чиқиб аниқлаштирилади.

Ер участкасини танлаш ва ажратиш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш учун тўлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қурилиш соҳасида рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни бериш тартиботларини амалга ошириш муддатлари ва қийматини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 2013 йил 30 майдаги 150-сон қарорига мувофиқ белгиланган миқдорларда амалга оширилади.

18. Давлат корхонаси ер участкасини танлаш ва ажратиш бўйича ҳужжатларни ер участкаси ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиши учун туман (шаҳар) ҳокимига юборади.

19. Туман (шаҳар) ҳокими ўз ваколатлари доирасида икки кун ичида ер участкасини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади ва уни ер участкасидани ажратиш бўйича ҳужжатларнинг нусхалари билан ер участкасини ажратиш бўйича ишни ташкил этиш ва унинг чегараларини натурага ўтказиш учун давлат ер тузиш ва кадастр корхонасига тақдим этади.

Туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорига унинг ажралмас қисми сифатида ажратилаётган ер участкаси чегарасининг режаси илова қилинади.

20. Давлат корхонаси ер участкасига ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилган куни туман (шаҳар) ҳокимлигига ер участкасига ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани ва ер участкаси ажратиш бўйича йиғмажилдни тақдим этади.

21. Туман (шаҳар) ҳокимлиги ер участкасини ажратиш тўғрисидаги қарорни, унга қуйидагиларни илова қилган ҳолда бир кун муддатда Давлат хизматлари марказига тақдим этади:

ер участкаси чегарасини натура ўтказиш далолатномаси;

ер участкасига ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

ер участкаси ажратиш бўйича йиғмажилд;

ер участкасидан фойдаланиш шартлари, ердан фойдаланиш бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ер участкасига ҳуқуқнинг тугатилиш ҳолатлари ва томонларнинг хоҳишига кўра бошқа масалалар кўрсатилган ҳолда.

ЭИЗ қатнашчиси кўрсатилган ҳужжатларни олган куни ер участкасидан фойдаланиш тўғрисида икки нусхадаги шартномани имзолайди, унинг бир нусхаси туман (шаҳар) ҳокимлигига Давлат хизматлари маркази орқали юборилади.

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.



22. Ер участкаси ажратиш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш ишларининг умумий муддати 21 кунни ташкил этади.

23. ЭИЗ қатнашчисига ер участкаси бериш тўғрисидаги туман (шаҳар) ҳокими қарори, ер участкасининг жойлашиш режаси ва ер участкасидан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома нусхалари ЭИЗ қатнашчисига ер участкаси бериш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг бир ҳафта муддатда ушбу Низомнинг 15-бандида кўрсатилган ташкилотларга иш фаолиятида бошқа ер участкаларини жойлаштиришни келишиш вақтида фойдаланиш учун юборилади.

## 3-боб. Давлат мулкидаги ишламаётган корхоналар ва мулкни “нол” қийматида реализация қилишда ер участкалари ажратиш тартиби

24. ЭИЗ қатнашчиси ва Дирекция ўртасида имзоланган давлат мулкидаги ишламаётган корхоналар ва мол-мулк олди-сотди шартномаси асосида ЭИЗ қатнашчисига экологик талабларни ва хавфсизлик қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда асосли ҳисоб-китоблар бўйича кўрсатилган объектлар билан банд бўлган, уларнинг фойдаланиши учун зарур ер участкаларидан тезкор фойдаланиш ҳуқуқи ўтади.

Дирекциянинг тақдимномасига кўра ер участкасидан тезкор фойдаланиш ҳуқуқининг ўтиши туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкасини аввалги ердан фойдаланувчидан олиб қўйиш ва уни ЭИЗ қатнашчисига бериш тўғрисидаги қарори билан уч иш куни мобайнида расмийлаштирилади.

25. Туман (шаҳар) ҳокимининг қарорига асосан, белгиланган тартибда ЭИЗ қатнашчисининг ер участкасига ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилади ҳамда унга ер участкасига ҳуқуқининг давлат рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

## 4-боб. Якунловчи қоидалар

26. Эркин иқтисодий зона қатнашчиси мақомидан маҳрум бўлган тадбиркорлик субъектидан, зарурат бўлганда, ер участкасини олиб қўйиш қонунчиликка ҳамда инвестициялаш тўғрисидаги битимга ёки инвестор билан тузилган бошқа шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

27. ЭИЗ қатнашчилари ва Дирекция ўртасидаги ер участкаларидан фойдаланиш бўйича низолар қонунчиликка ҳамда ер участкасидан фойдаланиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ ҳал қилинади.

28. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.

Эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларига
ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги Низомга
илова

**Эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларига ер участкалари бериш**
**СХЕМАСИ**

| Субъектлар | Механизм | Муддатлари |
|---|---|---|
| Инвестор | 1. Ер участкаси олиш учун Давлат хизматлари марказига тегишли шаклда ер участкаси ажратиш тўғрисидаги аризани тўлдириб, почта орқали ёки шахсан бориб ёхуд Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизматлари Ягона портали ёки Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари Ягона портали орқали мурожаат этади.<br>2. Энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорида аванс тўловини амалга оширади. | Хўжалик юритувчи субъект ЭИЗ қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 1 иш кунида<br>Аризани бериш кунида |
| Давлат хизматлари маркази | Аризани ер участкаси жойлашганлиги бўйича туман (шаҳар) ҳокимлигига юборади. | Ариза олинган куни |
| Туман (шаҳар) ҳокимликлари | 1. Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)га ер участкалари танлаш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш учун юборади.<br>2. Туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарига икки ёки ундан ортиқ туманлар ва вилоятлар ҳудудларида жойлашадиган объектларни ҳамда суғориш иншоотларини, шунингдек, муҳандислик тармоқлари ва йўл-транспорт коммуникациялари қуриш учун ер участкаларини танлаш бўйича ҳужжатлар тайёрлаш учун аризани юборади. | Ариза олинган вақтдан бошлаб |
| Туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (давлат корхоналари) | Ер участкасини танлаш бўйича ҳужжатларни тайёрлайди ва келишиш учун ваколатли ташкилотларга юборади. | Туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан ариза келиб тушган кундан бошлаб 5 кун давомида |

| | | |
|---|---|---|
| Ваколатли ташкилотлар | Ер участкасини танлаш бўйича ҳужжатларни келишади. | 4 кун давомида |
| Давлат корхоналари | 1. Ер участкасини ажратиш бўйича ҳужжатларни ва ер участкасини ажратиш бўйича туман (шаҳар) ҳокими қарори лойиҳасини тайёрлайди.<br>2. Ер участкасини танлаш ва ажратиш бўйича ҳужжатларни туман (шаҳар) ҳокимига ер участкасини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиши учун юборади. | 3 кун давомида |
| Туман (шаҳар) ҳокими | 1. Ер участкасини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади ва уни ер участкасини ажратиш бўйича ҳужжатлар нусхалари билан барча давлат корхонасига ер участкасини ажратиш ва унинг чегарасини натурага ўтказиш бўйича йиғмажилдни шакллантириш учун юборади. | 2 кун давомида |
| Туман (шаҳар) ҳокими | Ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорни қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда Давлат хизматлари марказига тақдим этади:<br>ер участкаси чегараларини натурага ўтказиш далолатномаси;<br>ер участкасига ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома;<br>ер участкаси ажратиш бўйича йиғмажилд;<br>ер участкасидан фойдаланиш туман (шаҳар) ҳокими имзолаган шартнома, унда ер участкасидан фойдаланиш шартлари, томонларнинг ерлардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ер участкасига бўлган ҳуқуқ тўхтатиладиган ҳолатлар ва томонларнинг хоҳишига кўра бошқа масалалар кўрсатилади. | 1 кун давомида |
| Давлат хизматлари маркази | Ер участкаси ажратиш тўғрисида туман (шаҳар) ҳокими қабул қилган қарор, шунингдек, ер участкасини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш, шунингдек, ер участкаси чегараларини натурага кўчириш бўйича ишлар учун аризачининг тўлови зарурлиги тўғрисида инвесторни аризада кўрсатилган усулда хабардор қилади. | Ҳужжатлар келиб тушгандан бошлаб 1 иш соати ичида |
| Инвестор | Ер участкасини танлаш ва ажратиш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда ер участкаси чегарасини натурага ўтказиш ишлари учун тўловни амалга оширади. | Давлат хизматлари марказининг билдиришномаси олинган куни |

Туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорини инвесторга беришнинг умумий муддати 21 кунни ташкил этади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 16 январдаги
29-сон қарорига
4-илова

**«Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлиқ-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарига кирувчи ҳудудларнинг чегаралари**

**1. «Нукус-фарм» ЭИЗ таркибига кирувчи ҳудудлар чегараси таърифи:**

1-бошланғич нуқта Нукус туманининг Давлат ўрмон хўжалиги ҳудудидаги дала йўлининг 2-километридан шарқ томонга 200 метр узоқликда 4Р-176А автомобиль йўлидан шимол томонида жойлашган.

1-нуқтадан чегара Нукус туманининг Давлат ўрмон хўжалиги ҳудуди бўйлаб шимолий йўналишда 500 метр масофада 2-нуқтагача давом этади.

2-нуқтадан чегара Нукус туманининг Давлат ўрмон хўжалиги ҳудуди бўйлаб шарқий йўналишда 1 000 метр масофада 3-нуқтагача давом этади.

3-нуқтадан чегара Нукус туманининг Давлат ўрмон хўжалиги ҳудуди бўйлаб жанубий йўналишда 500 метр масофада 4-нуқтагача давом этади.

4-нуқтадан чегара Нукус туманининг Давлат ўрмон хўжалиги ҳудуди бўйлаб ғарбий йўналишда 1 000 метр масофада 1-нуқтагача давом этади.

**2. «Зомин-фарм» ЭИЗ таркибига кирувчи ҳудудлар чегараси таърифи:**

**1-ер участкаси:**

1-бошланғич нуқта 4Р-40 Зомин-Даштобод автомобиль йўли бўйлаб чўзиқ дарахтзор ернинг ғарбий қисмида, ушбу автомобиль йўлининг Жиззах-Янгиер темир йўли билан кесишган жойидан жануб йўналиши бўйича 3 840 метр масофада жойлашган.

1-нуқтадан чегара 4Р-40 Зомин-Даштобод автомобиль йўли бўйлаб жойлашган дарахтзор бўйлаб жанубий-шарқий йўналишда 1 200 метр масофада 2-нуқтагача давом этади.

2-нуқтадан чегара Бекобод металлургия комбинатининг интенсив боғлари билан туташ ҳолда ғарбий йўналишда 834 метр масофада 3-нуқтагача давом этади.

3-нуқтадан чегара дала йўли бўйлаб шимолий-ғарбий йўналишда 1 200 метр масофада 4-нуқтагача давом этади.

4-нуқтадан чегара қуруқ ер бўйлаб шарқий йўналишда 834 метр масофада 1-нуқтагача давом этади.

**2-ер участкаси:**

1-бошланғич нуқта "Янги Хаёт" массивининг "Равшан овчи" фермер хўжалиги сунъий сув омбори чегарасининг 10-к-1 коллектори чап қирғоғи кесишмасида жойлашган.

1-нуқтадан чегара ариқ бўйлаб “Муборак-Янгиер” газ қувури билан кесишган ҳолда жанубий йўналиш бўйича 950 метр масофада 2-нуқтагача давом этади.

2-нуқтадан чегара дала йўли бўйлаб ғарбий йўналишда 780 метр масофада 3-нуқтагача давом этади.

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.



3-нуқтадан чегара 62 метр масофада шимолий йўналишда, кейинчалик 311 метр масофада ғарбий йўналишда дала шийпонини четлаб ўтиб 4-нуқтагача давом этади.

4-нуқтадан чегара қуруқ ер бўйлаб шимолий йўналишда "Муборак-Янгиер" газ қувурини кесиб ўтган ҳолда 788 метр масофада 5-нуқтагача давом этади.

5-нуқтадан чегара шарқий йўналиш бўйича 316 метр масофада, кейинчалик шимолий йўналишда 165 метр масофада "Равшан овчи" фермер хўжалигининг сунъий сув ҳавзаси чегарасини четлаб ўтиб 6-нуқтагача давом этади.

6-нуқтадан чегара 10-к-1 коллекторининг чап қирғоғидан шарқий йўналиш бўйича 766 метр масофада 1-нуқтагача давом этади.

## 3. «Косонсой-фарм» ЭИЗ таркибига кирувчи ҳудудлар чегараси таърифи:

### 1-ер участкаси:

1-бошланғич нуқта Қорасув-Исковат автомобиль йўли бўйлаб Қорасув аҳоли пунктининг марказидан шарқий йўналиш томон 1 600 метр масофада ва кейинчалик дала йўли бўйлаб жанубий йўналишда 4 180 метр масофада дала йўлининг охирида жойлашган.

1-нуқтадан чегара шарқий йўналиш бўйича томорқа участкалари билан туташ ҳолда 290 метр масофада 2-нуқтагача давом этади.

2-нуқтадан чегара Янгиқўрғон тумани билан чегарадош дала йўли бўйлаб жанубий йўналиш бўйича 2 750 метр масофада 3-нуқтагача давом этади.

3-нуқтадан чегара сойнинг қуруқ томони бўйлаб шимолий-ғарбий йўналиш бўйича 4-нуқтагача боғ ҳудуди билан туташган жойгача давом этади.

4-нуқтадан чегара қуруқ ер бўйлаб боғ ҳудудида дала ерлари билан кесишиш жойигача 300 метр масофада шимолий йўналишда, сўнгра ғарбга бурилиб, 500 метр масофада дала ерлари бўйлаб давом этади, кейинчалик шимолга қараб бурилиб, қуруқ ерлар бўйлаб боғ чегарасигача 360 метр масофада давом этади, кейничалик шарққа бурилиб, боғ ҳудуди бўйлаб 290 метр масофада давом этади, кейинчалик жанубга бурилиб, боғ ҳудуди бўйлаб 150 метр масофада давом этади, кейинчалик шарққа бурилиб, қуруқ ерлар бўйлаб боғ ҳудудида 190 метр масофада давом этади, сўнгра шимолга бурилиб, шимолий йўналиш бўйича қуруқ ерлар бўйлаб боғ ҳудудида 500 метр масофада 1-нуқтагача давом этади.

### 2-ер участкаси:

1-бошланғич нуқта Косонсой-Наманган автомобиль йўлининг шарқий томонида "Косонсой пахта толаси" АЖ ҳудудининг энг четки ғарбий нуқтасига олиб борадиган йўл билан туташган жойда жойлашган.

1-нуқтадан чегара суғориш канали бўйлаб шарқий йўналишда 670 метр масофада 2-нуқтагача давом этади.

2-нуқтадан чегара қуруқ ерлар бўйлаб жанубий йўналишда 530 метр масофада 3-нуқтагача давом этади.

3-нуқтадан чегара қуруқ ерлар бўйлаб ғарбий йўналишда 90 метр масофада 4-нуқтагача давом этади.

4-нуқтадан чегара суғориш канали бўйлаб шимолий йўналишда 240 метр масофада 5-нуқтагача давом этади.

5-нуқтадан чегара қуруқ ерлар бўйлаб ғарбий йўналишда 110 метр масофада 6-нуқтагача давом этади.

6-нуқтадан чегара қуруқ ерлар бўйлаб жанубий йўналишда 109 метр масофада 7-нуқтагача давом этади.

7-нуқтадан чегара қуруқ ерлар бўйлаб ғарбий йўналишда 147 метр масофада 8-нуқтагача давом этади.

8-нуқтадан чегара суғориш канали бўйлаб жанубий йўналишда 150 метр масофада 9-нуқтагача давом этади.

9-нуқтадан чегара суғориш канали бўйлаб шимолий-ғарбий йўналишда 180 метр масофада Косонсой-Наманган автомобиль йўли билан туташиш жойда 10-нуқтагача давом этади.

10-нуқтадан чегара Косонсой-Наманган автомобиль йўлининг шарқий томонида шимолий йўналиш бўйича 250 метр масофада 11-нуқтагача давом этади.

11-нуқтадан чегара Косонсой-Наманган автомобиль йўли билан кесишган ҳолда ғарбий йўналишда давом этади ва кейинчалик қуруқ ерлар бўйлаб томорқа участкалари билан туташиш жойига қадар 270 метр масофада 12-нуқтагача давом этади.

12-нуқтадан чегара қуруқ ерларда томорқа участкалари бўйлаб шимолий-шарқий йўналишда 275 метр масофада 13-нуқтагача давом этади.

13-нуқтадан чегара суғориш тизими бўйлаб шарқий йўналишда 150 метр масофада Косонсой-Наманган автомобиль йўли билан туташган ҳолда 14-нуқтагача давом этади.

14-нуқтадан чегара Косонсой-Наманган автомобиль йўлининг ғарбий томонидан жанубий йўналишда 75 метр масофада давом этади, сўнгра шарқ томонга бурилиб, Косонсой-Наманган автомобиль йўли билан кесишиб 1-нуқта қўшилгунга қадар давом этади.

**3-ер участкаси:**

1-бошланғич нуқта Наманган-Косонсой автомобиль йўлининг шарқий томонида Булоқ қишлоғининг марказидан жануб томон 658 метр узоқликда жойлашган.

1-нуқтадан чегара 2-нуқтагача дала йўли бўйлаб шарқий йўналишда 162 метр масофага ёйилган.

2-нуқтадан чегара 3-нуқтагача уй-жойлар мавжуд участкалар бўйлаб жануб йўналишида 96 метрлик масофага ёйилган.

3-нуқтадан чегара боғ ҳудудига туташ жойдаги 4-нуқтагача қуруқ ер бўйлаб, ғарб йўналишида 171 метрлик масофага ёйилган.

4-нуқтадан чегара 1-нуқтагача Наманган-Косонсой автойўлининг шарқий томони бўйлаб шимолий йўналишда 94 метр масофага ёйилган.

## 4. “Сирдарё-фарм” ЭИЗ таркибига кирувчи ҳудудлар чегараси таърифи:

**1-ер участкаси:**

1-бошланғич нуқта М-39 Тошкент-Термиз автойўлининг темир йўл линияси билан кесишган жойидан жанубий-ғарбий томонгача 188 метр масофада ушбу йўлнинг шарқий томонида жойлашган.

1-нуқтадан чегара 2-нуқтагача “Сирдарё вагон депоси” ДК ерлари билан туташиб жанубий йўналишга 884 метр масофага ёйилган.

2-нуқтадан чегара ғарбга бурилиб, 3-нуқтагача аввал қуруқ ер бўйлаб, кейин Сирдарё шаҳри ҳудудига туташган ҳолда 441 метр масофага ёйилган.

ҚҲММБ: 09/18/29/0587-сон
18.01.2018 й.



3-нуқтадан чегара жанубга бурилиб, Сирдарё шаҳри ҳудудига туташган ҳолда 4-нуқтагача 323 метр масофага ёйилган.

4-нуқтадан чегара ғарб-жанубий-ғарбга бурилиб, Сирдарё шаҳри ҳудудига туташган ҳолда 5-нуқтагача 606 метр масофага ёйилган.

5-нуқтадан чегара ғарбга бурилиб, 6-нуқтагача, автомобиль йўлининг шарқий томонигача Сирдарё шаҳри ҳудудига туташган ҳолда 105 метр масофага ёйилган.

6-нуқтадан чегара шимолга бурилиб, М-39 Тошкент-Термиз автомобиль йўлининг автомобиль йўли билан кесишган жойигача, автомобиль йўлининг шарқий томони бўйлаб 7-нуқтагача 582 метр масофага ёйилган.

7-нуқтадан чегара шимолий-шарққа бурилиб, М-39 Тошкент-Термиз автомобиль йўлининг жанубий томони бўйлаб 1-нуқтагача, 1 430 метр масофага ёйилган.

**2-ер участкаси:**

1-бошланғич нуқта М-39 Тошкент-Термиз автойўлининг темир йўл линияси билан кесишган жойидан шимол томонгача 860 метр масофада коллекторга ички хўжалик коллектори туташган жойда, ушбу коллекторнинг шимолий томонида жойлашган.

1-нуқтадан чегара коллекторнинг шимолий ва жанубий йўналишларига ажралиш жойигача, коллекторнинг жануб томони бўйлаб, 788 метр масофага, шимолий-шарқий йўналишларда 2-нуқтагача ёйилган.

2-нуқтадан чегара жанубий-шарққа бурилиб, коллекторнинг жануби-ғарбий томони бўйлаб 3-нуқтагача 222 метр масофага ёйилган.

3-нуқтадан чегара шимоли-шарққа бурилиб, қуруқ ер бўйлаб, автомобиль йўлигача бориб, кейин ушбу автомобиль йўлининг шарқий томони бўйлаб коллекторни кесиб ўтиб 4-нуқтагача 550 метр масофага ёйилган.

4-нуқтадан чегара жанубий-шарққа бурилиб, М-39 Тошкент-Термиз автомобиль йўлига туташ жойгача, ушбу автомобиль йўли бўйлаб 375 метр масофага 5-нуқтагача, ёйилган.

5-нуқтадан чегара жанубий-ғарбга бурилиб, коллекторнинг М-39 Тошкент-Термиз автомобиль йўлига туташ жойигача, ушбу автомобиль йўлининг шимолий-ғарбий томони бўйлаб 6-нуқтагача 751 метр масофага ёйилган.

6-нуқтадан чегара ғарбга бурилиб, коллекторнинг жанубий томони бўйлаб 7-нуқтагача 244 метр масофага ёйилган.

